

ГЛОБАЛ ЎЗГАРИШЛАР ИНСТИТУТИ РАЎБАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 апрель куни Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири, Глобал ўзгаришлар институти раиси Тони Блэрни қабул қилди.



Ўзбекистоннинг ушбу нуфузли тузилма билан амалий ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Тони Блэр Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши ва қўламини юксак баҳолади, уларни янада илгари суриш доирасида зарур эксперт-маслаҳат кўмагини кўрсатишга тайёрглигини билдирди.

Иқтисодиёт тармоқларига йирик стратегик инвесторларни жалб қилиш, технологик модернизация, рақамлаштириш ва сунъий интелектни жорий этишни жадаллаштириш, устувор соҳаларда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳамкорлигининг бошқа асосий йўналишлари сифатида қайд этилди.

Таъкидлаш жоизки, Буюк Британиянинг собиқ Бош вазири Тони Блэр томонидан 2016 йилда ташкил этилган институт халқаро нотижорат ташкилот ҳисобланади. У турли мамлакатларга барқарор ва инновацион ривожланишнинг янги моделларини ишлаб чиқишда, иқлим ўзгариши ва бошқа замонавий таҳдидларга қарши курашишда кўмаклашади.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

ЖАҲОН БАНКИ МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯСИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон банки гуруҳининг операциялар бўйича бошқарувчи директори Анна Бьерде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон банки билан кенг қўламли стратегик ҳамкорлигини янада ривожлантириш, энг аввало, ушбу глобал молиявий институт томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар стратегиясини қўллаб-қувватлаш масалалари кўриб чиқилди.

Учрашув аввалида Анна Бьерде давлатимиз раҳбарига Жаҳон банки президенти Ажай Банганинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Кейинги йилларда шериклик муносабатлари юксак даражага чиқиб, салмоқли натижалар бераётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистон банкнинг энг йирик ҳамкорларидан биридир. Лойиҳалар портфели 12 миллиард доллардан ошди. Жаҳон банки иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожини таъминлашга қаратилган ислохотларни амалга оширишда молиявий, консультатив ва техник кўмак кўрсатмоқда.

Банк кўмағида халқаро молия институтлари иштирокидаги лойиҳалар механизми такомиллаштирилди, уларни тайёрлашни тезлаштириш ва сифатини ошириш бўйича янги тартиб қабул қилинди.

Камбағалликка қарши курашиш, энг аввало, туризм соҳасида хотин-қизлар ва ёшлар учун иш ўринлари яратиш, хусусий секторни ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш дастурларини қўллаб-қувватлаш, давлат корхоналарини трансформация қилиш ва хусусийлаштириш каби йўналишлар келгуси амалий шериклиكنинг устувор йўналишлари сифатида қайд этилди.

Улғурод чиқиндиларини қисқартириш, урбанизация ва инфратузилмани модернизация қилиш, энергия самарадорлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, мамлакатимизнинг ЖСТга аъзо бўлишига кўмаклашиш борасидаги ҳамкорлик режаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Йирик минтақавий лойиҳаларни илгари суриш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ЎЗА

ТОШКЕНТ – ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК, ИНСОНИЯТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Пойтахтимизда қарийб бир ҳафта давом этган Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси парламентлараро мулоқот, ўзаро ҳамкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида турли мамлакатлар парламенти аъзоларини бирлаштиргани, глобал муаммолар масалаларга ечим излангани билан ёдда қолди. Тадбирда 100 дан ортиқ парламент спикерлари ва спикер ўринбосарлари иштирок этгани геосиёсий қарама-қаршиликлар кучайган бир пайтда парламент дипломатияси анъанавий халқаро муносабатларда муҳим ўрин тутганини кўрсатди.

Ассамблея доирасида, шунингдек, гендер тенглик, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, фуқаролар саломатлигини сақлаш, экология ва иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш каби масалалар муҳокама қилинди. Мазкур нуфузли анжуман нафақат тарихий санани нишонлаш, балки парламентлараро ҳамкорлигининг янги даврини бошлаб бергани билан аҳамиятлидир.

Ассамблея якунида глобал парламент ҳамжамиятининг ижтимоий тараққиёт ва адолат йўлидаги ҳаракатларига бағишланган муҳим

хужжат — Тошкент декларацияси қабул қилинди. Унда Президентимиз Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясидаги нутқида илгари сурган ташаббуслар қамраб олинган. Шунингдек, хужжатда ижтимоий тараққиёт борасидаги саъй-ҳаракатларни янгиллаб боришга қаратилган ишлар, мавжуд ва юзага келаётган масалаларга биргаликда ечим топиш зарурати ўз ифодасини топди.

Нуфузли анжуман иштирокчиларидан баъзиларининг тадбир ҳақидаги таассуротлари ва фикр-мулоҳазалари билан қизикдик.

▶ Давоми 3-бетда

ХўЖАНД САММИТИ: СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК Йўлидаги ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

Марказий Осиё минтақаси географик жиҳатдан муҳим стратегик ҳудудда жойлашган бўлиб, жаҳоннинг йирик давлатлари ташқи сиёсатида геосиёсий ва геоиқтисодий аҳамиятга эга. Ҳудудда чуқур ўйланган ташқи сиёсат юритиш минтақада хавфсизлик ва барқарор ривожланишни таъминлаб, стратегик геосиёсий мувозанатни сақлайди. Бундай сиёсат, албатта, жуда катта масъулиятни, дипломатик маҳоратни ва кучли сиёсий иродани талаб қилади.

Президентимиз юритаётган фаол яхши қўшничилик сиёсати туфайли сўнгги йилларда Марказий Осиёда соғлом сиёсий иқлим ва дўстона муҳит вужудга келди, бу минтақада кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

ОРТГА ҚАЙТМАС ДЕМОКРАТИК ИСЛОХОТЛАР ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТ

Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойил ва меъёрларига таяниб юритилаётган ташқи сиёсат замирида халқимиз максат қилган демократия, эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғоялари мужассам. Кейинги йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятида кузатилган фаоллик нафақат мамлакатимиз, балки бутун минтақамиз давлатлари ва халқлари учун манфаатли бўлмоқда.

Масалан, ватанимизнинг янги таҳрирдаги ташқи сиёсий фаолият концепциясида Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро дўстона, яхши қўшничилик



муносабатларини шакллантириш устувор йўналиш сифатида белгилангани ва айти йўналишда қилинган ишлар туфайли қўшни давлатлар билан ўзаро

илиқ муносабатлар йўлга қўйилди. Чегаралар очилиб, азалий қардошлик алоқалари, борди-келдилар тикланди.

▶ Давоми 2-бетда



ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида Марказий Осиёдаги илк профессионал фотосуратчи ва кинооператор Худойберган Девоновга бағишланган кўргазма бўлиб ўтди. Хайратланарли закийлик ва нозик бадиий дид соҳиби бўлган Девонов нафақат инсонлар ва воқеалар, балки замон руҳини ҳам тасмалларга муҳрлаб, ўз даврнинг чинакам солномачисига айланди. Унинг сезгир нигоҳи ва касбига теран иштиёқи шарофати билан бугун биз жонли тарихга нисбатан дахлдорлик ҳиссини туя оламиз.

ПАНОР БОБО ШОГИРДИ

Ўрта Осиё табиати, шонли тарихи, маданияти ва қадриятларини ўрганиш мақсадида илк бор фотоаппарат билан келган кишилар европалик сайёҳ ва ўлкашунослар бўлиб, улардан кейин ҳунармандлар, тадбиркорлар ташифр буюра

бошлаган. Шулардан бири Антон Муренко бўлиб, у 1858 йилда полковник Игнатъевнинг ҳарбий-дипломатик сафари вақтида кўҳна марварид — Хива кўринишларини суратга олган. Унинг издошларидан бири Станислав Николаев 1837 йилда Тошкентда илк фотография ательесига тамал тошини қўйган. Парижлик фото устаси Поль Надар эса 1890 йилда Орол денгизидан Помир тоғларига қадар қўзилган, кўплаб тамаддулар қайновида тобланган юрт манзараларини ўз камерасига муҳрлаган.

▶ Давоми 5-бетда

ОРТГА ҚАЙТМАС ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ПРАГМАТИК ТАШҚИ СИЁСАТ

Бошланиши 1-бетда



Муносабат

2023 йилда умумхалқ референдуми орқали қабул қилинган янги тахрирдаги Конституциямизнинг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикаси давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси давлатнинг, халқнинг олий манфаатларидан, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда иттифоқлар тузиши, ҳамдўстликларга ва бошқа давлатларга тузилмаларга кириши ҳамда улардан чиқиши мумкин”, деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Умуман олганда, давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси билан ташқи сиёсатимизга бугуннинг талабларига мос татбиқ этилган янгиланишлар Ўзбекистоннинг дунёга очилишини таъминлади. Ўз навбатида, дунё ҳам бизга очилди.

Жорий йил 3-9 апрель кунлари Ўзбекистон 3 та йирик халқаро тадбирга, таъбир жоиз бўлса, дунёнинг бугуни ва эртаси муҳокама қилинган нуфузли анжуманларга меҳмонлик қилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.



Абдуманноб РАХИМОВ,
Конституциявий суд судьяси,
юридик фанлар номзоди

Жумладан, Самарқандда “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити ва Самарқанд халқаро иқлим форуми, Тошкент шаҳрида Парламентлараро Иттифоқнинг 150-йубилей Ассамблеяси ўтказилгани дунё ҳамжамиятининг мамлакатимиздаги кенг қўламли демократик ислохотларга муносиб баҳоси, ишончи ва эътирофи десак, асло муболага бўлмайди.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” биринчи саммити иштирокчилари, шунингдек, Европанинг етакчи институтлари ва молия ташкилотлари раҳбарлари Марказий Осиёнинг умумий позицияга эгаллиги, ишончли ва масъулиятли шерик сифатида кенг қўламли ҳамкорликка тайёр эканига амин бўлган бўлса, Парламентлараро Иттифоқ Ассамблеяси иштирокчилари Тошкент парламент дипломатиясининг пойтахтига айланганини эътироф этди. Бу ҳам юқоридagi фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбарининг халқаро анжуманлардаги нутқи нафақат иштирокчилар,



балки дунё жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Айниқса, Ўзбекистон етакчисининг Марказий Осиё давлатларининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрни ва бирдамлиги борасидаги асосий йўналишлар хусусида билдирган фикр ва тақлифлари минтақадаги кўп миллионли қардош халқлар томонидан кўтаринки руҳда кутиб олинди.



Халқаро анжуманлар муҳокамасига киритилган масалаларнинг қўлами ва халқаро муносабатлардаги аҳамияти жуда кенг. Президентимизнинг дунё ҳамжамияти олдида турган, концептуал ечимини топиши керак бўлган масалалар хусусидаги нутқига эътибор қаратсак, унда илгари сурилган асосий ғоялар, таклиф ва фикр-мулоҳазалар дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган низоларга ечим бўлиши мумкинлиги билан қимматлидир.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиё давлатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш ва тараққий топган мамлакатлар билан манфаатли ҳамкорлик қилиши борасида илгари сурган ташаббусига тўхталиб ўтсак.

Албатта, минтақамиз халқларининг бирлиги, ўзаро манфаатли ҳамкорлиги, яхши қўшничиликка оид ғоялар асло тасодиф эмас.

Марказий Осиё давлатларининг турли масалаларда умумий позицияда бўлиши, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик асосида азал қардошлик ришталарини маҳкам тутиб, бошқа минтақалар билан тенг муносабатларга киришиши Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида фаолият бошлаган илк паллалардан бошланди. Ўзинингизда бўлса, давлатимиз раҳбари ташаббуси ва БМТ қўллаб-қувватлови билан 2017 йили Самарқанд шаҳрида Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор ривожланиш масалаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтганди. Айнан ўша йиғилишда минтақа давлатлари ўртасида неча минг йилдан буюн давом этиб келган ўзаро яхши қўшничиликнинг янги даврига асос солинди. Халқаро конференциянинг нечоғлиқ муҳими ва долзарблиги унинг “Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққийёт йўлидаги ҳамкорлик” деб номланганида ҳам намоён эди.

Бунинг бежиз эсламадик. Ўшанда Президентимиз “Давлатларимиз айнан яхши қўшничилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик тамойиллари асосида савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар соҳаларда, хавфсизлик ва барқарорлик масалаларида ўз салоҳиятини янада самарали амалга ошира олади.

Ишончим комил, бундан барча — Марказий Осиё давлатлари ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам бирдек манфаат қўради.



ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ ҚАТЪИЙ СИЁСИЙ ИРОДАСИ БИЛАН ТАШҚИ СИЁСАТИМИЗГА БУГУННИНГ ТАЛАБЛАРИГА МОС ТАТБИҚ ЭТИЛГАН ЯНГИЛАНИШЛАР ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУНЁГА ОЧИЛИШINI ТАЪМИНЛАДИ. ЎЗ НАВБАТИДА, ДУНЁ ҲАМ БИЗГА ОЧИЛДИ.



Кун мавзуси

НАЖОТ ИЛМДА, ҲАМЖИҲАТЛИК ВА БИРОДАРЛИКДА

Бугун одам дунёнинг гултожи, тафаккурга эга ягона хилқат сифатида синобли тарих олдида турибди. У жаҳонни, одамийликни асраб қола оладими?! Дунё ягона, коинот бир бутун эканини англашимиз ҳар доимгидан ҳам муҳим ва долзарб. Шундай паллада шоир Садриддин Салим Бухорийнинг “Ким нени изласа, топгай бегумон, Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё” сатрлари кўнглимиздан ўтади. Ахир она заминимиз турли синовлар ичида турган кунларда Марказий Осиё халқлари тинчлик учун овоз бераётгани, ўзаро ҳамжиҳатлик, яхши қўшничилик тамойилларини мустаҳкамлаётгани, минтақавий ва глобал масалалар бўйича яқдил фикрда экани — ҳаммамизнинг саодатимиз.

Бу жараёнда Президентимизнинг минтақада тинчлик, ўзаро ҳамфикрлик, боғлиқликни кучайтириш борасида илгари сураётган ҳаётий ташаббуслари, тинимсиз саъй-ҳаракатлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга, албатта. Фақат ва фақат бирдамлик, яхши қўшничилик, биродарлик, пировардида минтақавий фаровонликка хизмат қилаётган тарихий биришлуғимиз, бир-биридан куч-қувват олаётган дўстлигимиз, бордин-кеддимиз абадий бўлсин.

Айни дамда бу ўзбек эли, кўпмиллатли Ўзбекистон халқининг истак-иродаси ҳамдир. Шундай тарихий воқеалардан яна бири 31 март куни содир бўлди ва барчамизнинг кўнгилмизини тоғдек кўтарди. Ўзбек, тожик ва қирғиз элининг бирдамлиги, гўзал қўшничилигини ифодаловчи Хўжанддаги тарихий учрашув ҳали-ҳамон дунё ҳамжамияти эътирофиди.

Уч халқнинг дили, урф-одатлари, феъл-атвори, яшаш тарзи бир. Наврўз эса айнан шу бирлиكنи ифодаловчи байрамдир. Осмонда ўзбек, тожик, қирғиз Президентларининг сурати дронлар ёрдамида тасвирланар экан, бу уч миллатнинг бир-бирини меҳр-оқибати тинимсиз сифатида акс этди. Шу аснода дронлар, умуман, техника тараққийоти уруш учун эмас, бирдамлик, илм ривож учун зарур эканини ҳам аңглатди, назаримизда.

Президентимиз бежиз “Нажот илм-дадир”, деб такрор-такрор айтмапти.



Ҳафиза ОРТИҚОВА,
Бухоро вилояти ҳокими
ўринбосари — вилоят оила
ва хотин-қизлар бошқармаси
бошлиғи, биология фанлари
доктори, профессор

Мамлакатимизнинг туб сиёсати тинчлик, бирдамлик, яхши қўшничиликка асосланган. Давлатимиз раҳбарининг Тожикистонга ташифи нафақат сиёсий-иқтисодий, балки инсонпарварлик асосидаги ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди.

Бу йўлда оналарнинг қўли қўлга бериши, бирдам ҳаракати алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, таширф доирасида Хўжандда бўлиб ўтган

“Наврўз — аёллар бирдамлиги байрами” форумида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси З.Маҳкамova бошчилигидаги делегация иштирок этди. Она — тинчлик тарафдори, бирдамлик учун энг кўп жон қойиётган улуғ зот ва шу бирдамликни юзага келтиришдаги муҳим халқлардан биридир. Шу боис, бу делегация аъзолари тожик оналари, аёл-қизлари билан учрашувлар ўтказди, дилдан суҳбатлашди.

Миллий кийимларимиздаги гўзаллик, рамзий ифодалар, ранглар уйғунлиги бой тарихимиз, ўхшаш маданиятимизнинг ўзига хос намоёни сифатида ҳар биримизнинг кўзимизни қувонтирди, албатта. Бу форум Ўзбекистон ва Тожикистон хотин-қизлар ҳамкорлиги йўлида янги, айни дамда муҳим саҳифа очди. “Аробо” саройида Тожикистон халқи тарихи, маданияти, урф-одатлари билан боғлиқ саҳифаларни назардан ўтказиш жараёнида делегациямиз яна бир қарра тарихимиз ўзаро чамбарчас боғлиқ экани, қадриятларимиз уйғунлигини эътироф этди.

Форум — асрлар давомида халқларимиз ўртасида шакланган дўстлик, қардошлик ҳамда бирдамлик анъаналарининг мантиқий давоми. Бош вазир ўринбосари ўз чиқишида айнан шу қадриятларга алоҳида урғу берди. Айниқса, хотин-қизларнинг таълим олиш имконияти, тадбиркорлигини ривожлантириш, уларни ҳар томонлама ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўлга киритилган ютуқларимизни ўринли эътироф этиб, аёллар салоҳиятини ривожлантириш, маънавий қадриятларини мустаҳкамлаш, экофаолликни оширишда биргаликда ҳаракат қилиш, ўзаро тажриба алмашиш ва аёлларнинг овозини минтақавий ҳамда глобал даражага олиб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

Албатта, ўзаро тажриба алмашиш, қарашларни уйғунлаштириш, саъй-ҳаракатларни бириштириш барчамиз учун манфаатли бўлади. Умуман олганда, бундай мулоқотлар биз — аёл-қизларни янада жўшқин меҳнатга, ижодга, илмий изланишларга қорлайди.



Нуқтаи назар

Бошланиши 1-бетда

Айниқса, сўнгги йилларда дунё эксперт-тахлил ҳамжамияти вакиллари томонидан минтақамизга қизиқиш сезиларли тарзда ошди. Улар бугунги Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққийотининг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганишга интиломоқда. Таъкидлаш жоизки, минтақа давлатлари ўртасидаги илмий алоқалар фаоллашмоқда. Унинг асосида минтақавий иқтисодиёт ва турли соҳаларда давлатлараро муносабатларнинг истиқболларини биргаликда ўрганиш, долзарб таклифлар ишлаб чиқиш зарурати ётибди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари лавозимига киришганидан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин қўшничилик ва ўзаро манфаатли муносабатларни йўлга



Дилмурод НАБИЕВ,
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор

ХЎЖАНД САММИТИ: СИЁСИЙ БАРҚАРОРЛИК ЙЎЛИДАГИ ТАРИХИЙ УЧРАШУВ

қўйиш масаласи давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Президентимиз минтақадаги қўллаб-қувватлов низолар, сув ва энергия билан боғлиқ муаммолар, транспорт-логистика масалаларини муваффақиятли ва ўзаро манфаатли ҳал қилишга интилишларнинг бош илҳомчиси бўлди. Унинг бу борадаги ташаббускорлиги Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ўзаро ишонч ва хурматга асосланган муносабатларни тенденция даражасига кўтарди. Оқибат ўлароқ минтақада қатор стратегик йўналишларда фаол ўзаро ҳамкорлик авж олди. Минтақа мамлакатлари ўзаро савдо айланмаси ва иқтисодий интеграцияни кенгайтиришга интила бошлади. Шу мақсадда божхона тўсиқларини камайтириш, эркин савдо ҳудудларини ривожлантириш, қўшма корхоналар ва иқтисодий кластерлар ташкил этиш каби чоралар кўрилди.

Шунингдек, транспорт йўлақларини ривожлантириш, сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш, таълим ва фан соҳасидаги алоқаларни жадаллаштириш, экологик муаммоларни ҳал қилиш, минтақавий таҳдидларга қарши биргаликда курашиш борасида ҳам ҳамжиҳатликда фаолият юритиш бошланди. Ушбу йўналишлардаги

ҳамкорлик минтақанинг барқарорлиги ва иқтисодий ривожланиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу нуқтаи назардан ёндашганда, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон Президентларининг Хўжанддаги уч томонлама учрашувини, мазкур мамлакатлар чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланишини ўзаро ҳамкорлиқни фаоллаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми сифатида баҳоламоқ керак.

Шартнома имзоланишининг стратегик аҳамияти бекиёс.

Биринчидан, Марказий Осиёда чегара масалаларининг тинч ва музокаралар йўли билан ҳал этилиши давлатлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлайди. Бу келишув минтақанинг сиёсий барқарорлигига ижобий таъсир кўрсатиб, келгусида чегаравий низоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Чегара муаммолари ҳал қилиниши минтақа давлатлари ўртасидаги дипломатик муносабатларни кучайтириш билан бирга ташқи сиёсатда ҳам янада самарали ҳамкорлик учун замин яратди.

Иккинчидан, мазкур ҳужжат транспорт ва савдо йўлақларининг янада эркинлашишига

Бизнинг бош мақсадимиз — умумий саъй-ҳаракатларимиз билан Марказий Осиёни барқарор, иқтисодий ривожланган ва юксак тараққий этган минтақага айлантиришдан иборат”, деган эди.

Самарқанд ва Тошкентдаги халқаро анжуманларда халқаро ҳамжамият вакиллари томонидан эътироф этилган Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги ўзгаришлар, қўлга киритилган улкан марралар айнан Президентимизнинг бундан роппа-росса 8 йил аввал илгари сурган ушбу ташаббуслари, қатъий ишончи ва албатта, қўшни давлатлар билан ҳамкорликдаги самарали меҳнати натижаси бўлди.



Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатида “Марказий Осиё — бош устувор йўналиш” тамойилининг татбиқ этилиши минтақамизда мутлақо янги сиёсий муҳит вужудга келиши, ўзаро ишонч ва яхши қўшничилик асосидаги алоқалар йўлга қўйилишига замин яратди. Бунинг минтақанинг дунё ҳамжамиятидаги мавқеини оширди.

Халқаро анжуманлар ва уларда имзоланган тарихий аҳамиятга молик ҳужжатлар хусусида ҳали кўп гапирилади, ёзилади. Айтмоқчи бўлганимиз шуки, янги тахрирдаги Конституциямиз асосида юриштирилган ташқи сиёсат самарали кечмоқда ва халқаро жамоатчилик томонидан баралла эътироф этилапти.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати бор: биришган ҳамиша ютади, худди Марказий Осиё минтақаси сингари. Президентимиз таъкидлаганидек, “Минтақа мамлакатлари ўртасида ишонч ва яхши қўшничилик мустаҳкамланмоқда, кенг қўламли ҳамкорлик ва кооперация алоқалари кенгаймоқда. Бундан етти-саккиз йил аввал бунинг учун ҳатто шароит ҳам йўқ эди. Баъзи мамлакатлар ўртасидаги чегаралар ёпиқ эди. На савдо, на транзит, на бизнес, ҳеч қандай гуманитар алмашувлар йўқ эди. Муносабатлар шунчаки музлатиб қўйилганди. Ўшанда ҳеч ким яқин келажақда биз Европа етакчилари билан музокараларда минтақамизни биргаликда намоён этишимизни тасаввур ҳам қила олмас эди”.

кент имкониятлар яратиб беради. Давлатлар ўртасидаги логистик тўсиқлар бартараф этилиши маҳсулот ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишини рағбатлантиради. Бу эса иқтисодиётнинг турли соҳалари юксалишини таъминлайди. Хусусан, мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти ошади, минтақадаги экспорт ва импорт жараёнлари жадаллашади, уларда фаолият юритаётган тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшиги очилади.

Учинчидан, шартнома минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига янада кучлироқ туртки бериши шубҳасиз. Чегара ҳудудларида яшаётган аҳоли учун янги иқтисодий имкониятлар вужудга келади, минтақа бўйлаб савдо-сотиқ ва туризм ривожланишига шароит яратилади. Шунингдек, трансчегаравий ҳамкорлик орқали сув, энергетика ва экологик масалаларни ҳал этиш осонлашади. Бу эса минтақавий барқарорлиқни таъминлашда муҳим қадамлардан бири бўлиши мумкин.

Шартноманинг стратегик аҳамиятларидан яна бири шундаки, у Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ҳужжат яқин келажақда минтақа мамлакатларини ўзаро ҳамжиҳатликка қорлаб турувчи, иқтисодий, маданий ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос заминасини ўтовчи тарихий ҳужжат бўлиб қолади. Халқаро майдонда Марказий Осиё мамлакатларининг биргаликда ҳаракат қилиши глобал иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиш имкониятини ҳам кенгайтиради.

Хўжандда уч давлат раҳбари иштирокида Дўстлик стеласи ҳам очилди. Стеланинг айна тарихий ҳужжат имзоланган паллада очилиши унга ўзига хос рамз бахш этди. У минтақа мамлакатлари орасидаги стратегик ҳамкорлиқнинг ёрқин тинимсизлигига айланиши шубҳасиз. Бу рамзий ҳаракат фуқаролар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутди.

Умуман олганда, мазкур шартнома нафақат чегаравий масалаларни ҳал қилиш, балки Марказий Осиёда барқарорлик ва тараққийотни таъминлашга қаратилган кенг қамровли ҳамкорлик йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Унинг амалга оширилиши минтақа мамлакатлари учун узоқ муддатли иқтисодий ўсиш ва сиёсий барқарорлик йўлида мустаҳкам пойдевор вазифасини бажаради.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Inter-Parliamentary Union
For democracy. For everyone.IPU ASSEMBLY
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

ТОШКЕНТ – ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ДИПЛОМАТИЯ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДЕКЛАРАЦИЯСИ ТИНЧЛИК ВА БИРДАМЛИК, ИНСОНИАТ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда



Тулия ЭКСОН,
Парламентлараро Иттифоқ
президенти:

— Биз 150-юбилей Ассамблеяимиз алоҳида, ўзига хос тадбир сифатида тарихга муҳрланишини катта умид билан кутган эдик. Азиз мезбонларимиз — Ўзбекистон раҳбарияти ва халқи бу вазифани аъло даражада уддалади. Тадбирга келган барча делегатга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Анжуман ўтказилган муҳташам ишшоотлар, мусавфо атроф-муҳит эса йигинимизнинг эсда қолари ўтишини таъминлади. Буларнинг барчаси учун Ўзбекистон Президенти ва халқига, парламент вакиллариغا иштирокчилар номидан раҳмат айтаман.

Бугун дунёда тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашда парламентлар фаолияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Чунки ҳозир

дунёга кучли парламентаризм керак. Парламент дипломатияси низоҳатда зарур. Шундай вазиятда бир даврда йиғилиб, ўзаро фикр алмашиш имконига эга бўлганимиз тарихий воқеа бўлди.

Тадбирда дунёнинг кўплаб парламентлари вакиллари иштирок этиб, фикрлари билан ўртоқлашгани Ассамблеянинг муваффақиятли ўтишига хизмат қилди. Бу жараёнда самарали ҳамкорликни ривожлантириш ва зарур чора-тадбирлар кўриш мақсадида парламент дипломатияси ҳам фаол илгари сурилди. Зеро, мулоқот — энг муҳим воситамиз. Биз фақат биргаликда ҳаракат қилиш орқали муваффақиятга эриша оламиз.

Сайёрамизда барқарор ривожланишга эришиш борасида фаол саяй-ҳаракатлар кузатиляпти. Ушбу мақсадларнинг аксарияти ижтимоий ривожланиш ва адолатга тааллуқли. Ҳақиқий барқарор ривожланиш эса жамиятларнинг энг нозик қатлағи қандай муносабатда бўлиши, фарқларга қандай ҳаёт сифатини тақлиф этиши ва умумий инсоний қадриятларга қай даражада ҳурмат кўрсатиши билан баҳоланади.

Тошкент декларацияси айнан шу мақсадларга эришиш учун бизга зарур воситаларни тақдим этди. Ижтимоий ривожланишни таъминлашга парламентлар томонидан кучли ҳисса қўиши имконини беради. Шу боис, ана шундай муҳим тадбирни ташкил этишга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон раҳбариятига, парламент вакилларига яна бир бор ташаккур айтаман.



Шаҳноза ХОЛИМАХАММОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Ўзбекистон Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясига мезбонлик қилгани нафақат мамлакатимиз парламенти, балки Марказий Осиё учун тарихий воқеадир. Чунки бу нуфузли анжуман илк бор минтақамизда ўтказилди.

Ассамблеяда Президентимиз иштирок этиб, бугунги нотинч, мураккаб геосиёсий шароитда парламентларнинг роли ва масъулиятини чуқур таҳлил этгани ҳолда долзарб ташаббуслар ва йўналишларни белгилаб берганини алоҳида эътироф этмоқчиман. Давлатимиз раҳбари замонавий таҳдидлар — қуролли можаролар, экологик ва техноген фалокатлар, иқтисодий инқирозлар, савдо урушлари, терроризм ва экстремизм хавфи тобора кучаяётгани фонида парламентларнинг халқаро барқарорликни сақлашдаги роли ўсиб бораётганини асослаб берди. Айниқса, тинчлик ва тараққиёт, ижтимоий адолат, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, атроф-муҳитни асраш ва рақамли трансформация шароитида парламентлараро ҳамкорликни кучайтириш давр талаби экани қайд этилди.

Ўзбекистон томонидан илгари сурилган асосий ташаббуслардан бири камбағалликни қисқарттиришга бағишланган халқаро конференцияга парламентлар вакиллари фаол жалб қилиш тақлифи бўлди. Бу ташаббус ижтимоий адолат таъминлашнинг рўёбга чиқаришда парламентлар иштирокини чуқурлаштириш, сиёсий ирода ва қонунчилик имкониятларини сафарбар этиш зарурлигини кўрсатади.

Шунингдек, “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида парламент институтини ривожлантириш, халқ билан очиқ мулоқот ва ижтимоий адолатни таъминловчи механизмларни кучайтириш бўйича ислохотлар халқаро ҳамжамият томонидан муносиб баҳоланди. Парламент ваколатларининг кенгайтирилгани, аёллар ва ёшларнинг парламентдаги улуши ошгани очкилик ва инклюзивлик сиёсатининг амалий натижасидир.

Президентимиз илгари сурган яна бир долзарб масала сунъий интеллектдан



Брахим БУГАЛИ,
Жазоир Халқ миллий
ассамблеяси раиси:

— Парламент соҳасидаги жуда нуфузли саммитга мезбонлик қилгани Ўзбекистоннинг дунё миқёсидаги мавқеи тобора юксалиб бораётганини намоён этади. Президентингиз нутқидан биз жуда кўп

янгилик олдик. Давлатингиз раҳбари ҳамма учун фойдали ташаббусларни илгари сурди.

Халқларимизнинг дини, анъаналари, қадриятлари ва урф-одатларидаги ўхшашлиқ ўзаро алоқаларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда. Бугун икки мамлакат — Ўзбекистон ва Жазоир давлат раҳбарларининг мулоқоти ҳамкорлигимиз кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

Қолаверса, Ўзбекистон мулоқот учун доим очиқ, Шу боис, охириги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий мулоқот, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар муносабатлар ривожланиб бормоқда.

Давлатлараро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашда икки мамлакат парламентларининг ўрни жуда муҳим. Шу жиҳатдан яқинда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Ўзбекистон — Жазоир Халқ Демократик Республикаси” парламентлараро гуруҳи тузилгани айни мудида бўлди. Бу имконият келгусида ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.



Малика ҚОДИРХОНОВА,
Олий Мажлис Сенати аъзоси:

— Ассамблея доирасидаги тадбирлардан бири гендер тенглик мавзусига бағишланди. Бу масала алоҳида кун тартибига кўтарилгани бежиз эмас. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, иқтисодиётнинг барча тармоғида аёлларнинг эркаклар билан тенг иштироки таъминланса, жаҳон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 26 фоиз ўсари.

Бу борада кўзланган натижаларга эришишда хотин-қизларнинг барча соҳада, айниқса, парламентдаги фаоллиги алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозир дунёда бу борада ижобий натижаларга эришяётир. Айниқса, сўнгги 30 йилда мамлакатлар парламентидаги аёллар улуши 11,3 фоиздан 27,2 фоизгача ўсгани алоҳида эътирофга лойиқ.

Ўзбекистон ҳам тез ривожланаётган мамлакатлардан бири сифатида гендер масаласига устувор аҳамият бермоқда. Бу борада мамлакатимизда онилар мустаҳкамлиги, аёл-қизларнинг ҳуқуқий ҳимояси ва гендер тенгликни таъминлаш масалалари бўйича миллий модель яратилди. Конституция даражасида ҳамда мамлакатнинг стратегик ҳужжатларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш муҳим масалалардан бири этиб белгиланди.

Шунингдек, янги, халқаро стандартларга мос миллий қонунчилик базаси ҳамда институционал асослар шакллантирилди. Республика даражасидан энг қуйи бўгин — маҳаллаларгача хотин-қизлар масалалари билан шугулладиган узвий тизим йўлга қўйилди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича янги механизмлар яратилди.



Янги Ўзбекистон руҳи



Қутбиддин БУРҲОНОВ,
Олий Мажлис Сенати
қўмита раиси:

— Ассамблея доирасидаги тадбирларда “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” деган умумий мавзуда камбағалликни қисқарттириш, муносиб меҳнат, ижтимоий интеграция ва аҳолининг қарорлар қабул қилишдаги иштирокини кенгайтириш каби кўплаб долзарб масалалар муҳокама қилинди. Чунки кейинги йиллардаги табиий офатлар, кескин тус олаётган иқлим ўзгариши, геосиёсий танглик ва қуролли можаролар туфайли дунёнинг турли ҳудудида камбағаллик ва тенгсизлик кучайиб бормоқда.

Юзга келган вазият аҳоли бандлигини таъминлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилган зарур чораларни белгилаб олиш ва амалга оширишнинг аниқ, самарали механизмларини тубдан такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Албатта, бу борадаги муаммоларни ҳал этишда халқаро ҳамкорликни янада кучайтириш, миллий ва минтақавий даражадаги амалий саяй-ҳаракатларни бирлаштириш, илгор ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарб.

Гулчехра ТОЖИБОЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати:

— Пойтахтимизда бўлиб ўтган нуфузли тадбир нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун ҳам муҳим воқеа бўлди. Ўзбекистон ташаббуси билан “Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати” мавзусида ўтказилган Ассамблеяда дунё парламентлари вакиллари ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, долзарб масалаларни муҳокама қилиш имкониятига эга бўлди.

Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеясининг ялпи мажлисида Президентимиз иштирок этгани ва нутқ сўзлагани анжуманининг нуфузини янада оширди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистондаги демократик ислохотларга тўхталиб, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш ва давлат бошқарувини халққа яқинлаштириш Ўзбекистон тараққиётининг асосий йўналишларидан бири эканини таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг дунё ҳамжамияти билан очиқ мулоқоти тобора чуқурлашмоқда. Бу жараёнда кучли ва масъулиятли парламентни барпо этиш, самарали парламент дипломатиясини татбиқ қилиш учун кенг шароитлар яратилляпти.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида парламент институтини ривожлантириш борасида муҳим чора-тадбирлар белгиланиб, шу асосда кенг қамровли ишлар бажариляётир. Натижада қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг жамият ва давлат ҳаётидаги ўрнини оширишга қаратилган 20 дан зиёд қонун қабул қилинди. Янги тахрирдаги Конституциямизда парламент ваколатлари кескин кенгайтирилди. Парламентнинг ҳуқуқатини шакллантиришдаги иштироки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар устидан назорат механизмлари янада кучайтирилди. Бу чора-тадбирлар инсон ҳуқуқларини муҳофазалаш ва жамиятимизда очкилик, шаффоқлик ва эркинлик муҳитини кучайтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди.

Бундай эзгу ишлар ҳаётимизнинг турли соҳаларида туб ўзгаришларга замин бўляпти. Масалан, биргина камбағалликни камайтириш йўналишини олиб қарасак, охириги

Тадбир ялпи мажлислари, ихтисослашган органлар йиғилишларида бўлиб ўтган муҳокамалар якунида қабул қилинган ҳужжатларда илгари сурилган илгор ғоя ва ташаббуслар бугун юзга келган ана шундай реал вазиятдан келиб чиққан ҳолда мамлакатлар парламенти фаолиятини самарали ташкил этиш имконини беради. Бу эса дунёда тинчликни асраш ва тараққиётни таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Давримизнинг ана шундай ўткир талабларидан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда ушбу соҳада катта ислохотлар ўтказилмоқда. Хусусан, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланди.

Янги тахрирдаги Конституциямизда “ижтимоий давлат” тамойили мустаҳкамланиб, давлатнинг ижтимоий мажбурияти 3 баробар кўпайтирилди. Ушбу принциплар асосида ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислоҳ қилинди, ижтимоий ёрдамнинг аниқ, мақсадли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган ангича ёндашув ва механизмлар жорий қилинди.

Бу соҳада кенг қўламли ислохотлар бошланган даврдан бери камбағаллик даражаси деярли 3 баробар қисқарди. Ўзбекистон мазкур йўналишдаги амалий саяй-ҳаракатлари билан ижтимоий адолат ва муносиб меҳнат таъминларини халқаро доирада ҳам дадил илгари суриб келмоқда.

Ўз навбатида, бу борада эришилаётган натижалар халқаро миқёсда ҳам муносиб эътироф этилаётгани бизга фахр-ифтихор бағишляпти. Шу билан бир қаторда, бу борада ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар ҳам бор. Ушбу тадбир ана шундай устувор масалалар ижроси юзасидан ўзаро фикр алмашиш ва ҳамкорликни янада кенгайтириш орқали муаммоларга самарали ечим топиш имконини берди.



саккиз йилда 7 миллиондан зиёд киши камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражаси 35 фоиздан 8,9 фоизга туширилганини кўраимиз. Жорий йилда бу кўрсаткични 6 фоизга пайсаттириш мақсад қилинган. Шу бўйича “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилляпти.

Халқимизнинг турмуш тарзини яхшилашга тўсиқ бўлаётган яна бир муаммо — ишсизлик. Уни камайтириш борасидаги саяй-ҳаракатларни ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Ўтган йили бу борада 5 миллион кишининг бандлигига қўмлаштириш дастури ишлаб чиқилиб, йил мобайнида 5 миллион 265 минг фуқаро даромадли иш билан таъминланди. Бир қатор микролойҳалар ишга туширилиши ҳисобига кўплаб янги иш ўринлари очилди. Жорий йилда ҳам бу хайрли ишлар давом этапти.

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлаш учун зарур ҳуқуқий ва институционал асослар яратилди. Тадбирда бу борада халқаро ҳамкорликни кучайтириш, тажриба алмашиш ва парламентлар даражасида гендер масалалари бўйича мулоқотни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Умуман олганда, ушбу тадбирнинг айнан мамлакатимизда ўтгани Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошииб бораётганини яққол тасдиқлади. Бу нафақат тарихий воқеа, балки парламент дипломатиясини кенг намоён этишда муҳим қадам бўлди.

“Янги Ўзбекистон” мухбири
Баҳор ХИДИРОВА ёзиб олди.



ЎЗБЕКИСТОНДАГИ

Бир неча йил аввал юртимизда қимматбаҳо заъфарон ўсимлигини етиштириб, қайта ишловчи корхона ҳақида эшитгандим. Махсулотлари “BMB Za’faron” номи остида хорижга экспорт қилинадиган мазкур бренд биринчилардан бўлиб ноёб ўсимликни мамлакатимиздаги катта ер майдонида етиштиришни йўлга қўйгани эътиборимни тортган. Ушбу йўналишда маҳаллий бозорга дадил кириб келган “BMB HOLDING” киска муддатда етакчи тузилмага айланди. Ҳозир юртимиздаги машҳур брендлар ҳақида гап борса, албатта, унинг ҳам номи тилга олинади. Бугун у нафақат Ўзбекистон, балки халқаро бизнес ҳамжамияти орасида ҳам тобора катта обрўга эга бўлиб бормоқда.

МАШҲУР БРЕНД

ЗАЪФАРОН ЕТИШТИРИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ МИЛЛИЙ ҒУРУРГА АЙЛАНДИ?



Аммо кўпчилик қатори мен ҳам бу ҳолдинг фақат заъфарон етиштириб, қайта ишлаш билан шугулланади деб ўйлар эканман. Боиси, ҳамиша “BMB Za’faron” бренди остида қадоқланган махсулотларга кўзим тушса, улар ҳақида доривор ўсимлиқнинг қадоқланган кўриниши деган тасаввурда эдим. “BMB HOLDING” фаолияти билан яқинроқ танишган, заъфарон етиштириш ташкилотининг фақат бир йўналиши эканини тушундим. Аслида, ҳолдинг мамлакатимиз аграр тармоғидаги йирик бизнес брендларидан бири бўлиб, турли хил қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва қайта ишлашда ўзига хос тажриба яратган. Айни пайтда тузилма таркибидagi 4 та қўшма ва 27 та шўба корхонада 6500 доимий ва 80 минг мавсумий ишчи меҳнат қилиши кўламини янада аниқ тасвирлайди.

Шу кунларда “BMB HOLDING” ўзининг 8 йиллигини кенг нишонламоқда. Сана муносабати билан ҳолдинг бош офисида ўтган матбуот анжуманида яқин ҳамкорлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ҳолдинг кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов меҳмонларни тузилма ташкил этилиши тарихи, бугунги фаолияти билан таништирди. Катта экранда намойиш этилган видеороликда тузилма фаолиятига оид қизқарли маълумотлар берилди.

Албатта, шундай йирик ҳолдинг муваффақияти журналистларни ҳам қизиқтиради. Матбуот анжумани давомида бу борадаги барча саволларга жавоб олинди. Шундан сўнг қатнашчилар ҳолдингнинг янгидадан қурилган замонавий бош офиси билан танишди. Кўрғаз хонасига жойланган махсулотларнинг барчаси “BMB HOLDING” тизимидаги корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бренд остида бежирим тарзда қадоқланган.

Очиги, кичик тадбиркорлик субъектидан йирик ҳолдингга айланиш учун 8 йил қиска муддатдек кўринади. Чунки хориж амалиёти бўлганда бошқа гап эди. Аммо гап бундан саккиз йил олдин мамлакатимизда ислохотларнинг янги босқичига қадам қўйилган, тадбиркорлик эндигона эски тизим “занжир”дан халос қилинётган, одамларда ҳамон бизнес қилиш борасида катта кўркувлар, иккиланишлар бўлган вақт ҳақида боряпти. Шундай шароитда давлатимиз раҳбари юртимизда қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, кичик ва ўрта бизнес вакилларини фаол қўллаб-қувватлашга доир қатор ижтимоий ва имтиёзлар бергани кўпчиликда қизиқиш уйғотгани ҳам рост. Бу борадаги катта ислохотлар янги Ўзбекистоннинг миллий брендлари пайдо бўлишига хизмат қилди.

Компанияни ташкил этиш ҳаракати 2016 йил октябрда бошланган. 2017 йил 4 апрелда дастлаб “BMB Trade Group” номи билан давлат рўйхатидан ўтказилди, — дейди “BMB HOLDING” кузатув кенгаши раиси Бекзод Маматқулов. — Яъни саккиз йил аввал мамлакатимиз тарихида янги Ўзбекистон даври бошланиб, ҳаётимиз улкан ислохотларга юз тутган паллада хусусий тадбиркорлик учун кенг йўл очилиши давлат тизимидан бизнесга қадам қўйилишига туртки бўлди. Тадбиркорларга берилган имтиёз ва имкониятлардан фойдаланиб, иш бошлашга қарор қилдик ва барчасини нолдан яратдик. Асосий фаолиятимиз инвестициявий лойиҳалар учун консалтинг хизматлари кўрсатиш, халқаро бизнес ва савдо алоқаларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётнинг турли тармоқларига инновацион технологияларни жорий этиш ва замонавий агросаноат кластерларини яратишга асосланган. 2023 йилга келиб, ребрендинг қилинди ҳамда “BMB Trade Group” компанияси номи “BMB HOLDING”га ўзгартирилди. Унинг таркибига кирувчи шўба ва қўшма корхоналар номи ҳамда фаолияти ҳам ўзгарди. Бугунга қадар ҳолдинг мингдан ортиқ хорижий компанияга хизмат кўрсатди. Халқаро ҳамкорлик кенгайиши ортидан 1,5 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари амалга оширилляпти.

Бахмалда етиштирилган махсулот дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари, хусусан, Италия, Франция, Нидерландия ҳамда Жанубий Кореядаги лабораторияларда икки босқичли чуқурлаштирилган текширувлардан ўтказилиб, “ISO 3632-1/2011” халқаро стандарти асосида 1-тоифа сифат даражаси сертификатини олган. Плантацияда заъфаронни экиш, етиштириш, агротехник тадбирлар ўтказиш, териб олиш, қайта ишлаш, сақлаш ва қадоқлаш жараёнларини ўрганган Нидерландиянинг “Control Union Certifications” ташкилоти томонидан эса заъфарон учун “USDA Organic” сертификати олинган. Аҳамиятли томони шундаки, “BMB Opera Zafferano” қўшма корхонаси ҳамда “BMB Shifo” корхонасига заъфарон махсулотини AQShга экспорт қилиш имкониятини берадиган FDA рухсатномаси ҳам тақдим этилган.

Заъфарон ўта ноёб ва дунёдаги энг қимматбаҳо ўсимликлардан бири бўлиб, қадимда Шарқнинг буюк аллоmaları уни “қизил олтин”, деб таърифлаган. Тарихий манбауларда эса ушбу ўсимлик инсоният тановули қилишни бошлаган энг биринчи зирвор ҳам дейилади. Унинг қадимда фақат ҳукмдорлар дастурхонида бўлганига оид манбаулар бор. Ўсимлик “зирворлар султони” ёки “султонлар зирвори” номини олгани боиси шунда бўлса керак.



Zafferano” корхонаси эса нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги энг йирик заъфарон плантацияларидан.

Ҳолдингда юзга яқин тайёр махсулот етиштирилиб, қайта ишланса-да, асосий махсулот заъфарондир. Шу боис, доривор ўсимлиқнинг экспорт ҳажми ва қиймати йилдан йилга ўсиб бормоқда. 2021 йилда 1,2 миллион евролик махсулот экспорт қилинган бўлса, 2027 йилда бу ҳажмни 10 бараварга, заъфарон плантациялари майдонини 2 минг гектарга етказиш режалаштирилган. “BMB Za’faron” брендидаги қўшма давлатларнинг деярли ўзинимизники эканини айтиб, ўнлаб Европа мамлакатлари номини алоҳида санамоқда. Боиси, махсулотлар амаллақон жaxon бозорига ўз номи ва ўрнига эга бўлиб улгурди. Сифат борасида харидорларнинг ишончи балоид.

Айни пайтда корхонада заъфарон қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда экспорт қилинишидан ташқари заъфарон қўшилган бошқа тайёр махсулотлар ҳам ишлаб чиқариламоқда. Заъфаронли чой, заъфаронли асал, новвот, ош тузи қабилир жумларасидан. Буларнинг ҳаммаси экологик тоза, организм учун фойдали махсулотлар бўлиб, ҳолдинг “Соғлом миллат сари” шиори остида фаолият олиб боришидан далолат.

“BMB HOLDING” ўтган қиска вақтда заъфарон етиштириш ва қайта ишлашда ўзига хос тажриба яратиб, нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Эътиборлиси, бу ерда барча жараёнлар чуқур билим, хориж тажрибаси ва замонавий технологиялар асосида амалга оширилди. Мутасаддилар экспорт масаласида қўшни давлатларнинг деярли ўзинимизники эканини айтиб, ўнлаб Европа мамлакатлари номини алоҳида санамоқда. Боиси, махсулотлар амаллақон жaxon бозорига ўз номи ва ўрнига эга бўлиб улгурди. Сифат борасида харидорларнинг ишончи балоид.

Айни пайтда корхонада заъфарон қайта ишланиб, қадоқланган ҳолда экспорт қилинишидан ташқари заъфарон қўшилган бошқа тайёр махсулотлар ҳам ишлаб чиқариламоқда. Заъфаронли чой, заъфаронли асал, новвот, ош тузи қабилир жумларасидан. Буларнинг ҳаммаси экологик тоза, организм учун фойдали махсулотлар бўлиб, ҳолдинг “Соғлом миллат сари” шиори остида фаолият олиб боришидан далолат.

“ХОМАШЁ ОЛИМ, МАХСУЛОТ ҲАМ ЎЗИМИЗДАН”

“BMB HOLDING” фаолияти аввалбошданок қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш ва экспорт қилишга асосланган. Кейинроқ бу жараён кластерларда бириштирилди. Қиска муддатда ҳолдинг иқтисодиётнинг турли жабҳасига дадил кириб бориб, жамиятлар ва корхоналар татсис этди. Уларда қишлоқ хўжалиги, туризм, транспорт ва логистика объектларини қуриш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, девелоперлик фаолияти, шунингдек, мамлакатимизда спортни таракқий эттириш билан боғлиқ қатор ижтимоий ва иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ҳолдинг фаолиятининг энг катта йўналиши қишлоқ хўжалиги соҳаси ҳамда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ишлаб чиқариш қувватларидир. Бунинг



учун озиқ-овқат, мева-сабзавот ва доривор ўсимликлар кластерлари ташкил этилган. Хусусан, ҳолдинг таркибида Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 1200 гектардан ортиқ майдонда экспортбоқ қишлоқ хўжалиги махсулотлари етиштиришга ихтисослашган “BMB Agro”, мева-сабзавотчилик йўналишидаги “BMB Agroklaster” корхоналари ҳам фаолият юритиб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги махсулотларининг деярли 80 фоизи кластерларнинг ўзига тегишли ерда етиштирилади. Жиззах вилоятидаги 6 та туманда умумий 30 минг гектардан зиёд майдонда шартнома орқали пахта, галла ва мева-сабзавот махсулотлари экиб, парваришланади.



Яъни ҳолдинг тузилма тайёр махсулот учун зарур хомашёни ўзида тайёрлайди ва етиштирилган ишлаб чиқаришгача бўлган занжирни тўлиқ қамраб олади.

Бу давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий этилган ва жaxonда ўхшаши йўқ кластер тизимининг муҳим жиҳатларидан. Ўтган йилларда бу тизим сифатли, арзон ва экспортбоқ тайёр махсулот ишлаб чиқаришда самарали экани аққол кўринди. Барча жараённинг бир нуқтада амаллаб, доимий



назоратда бўлиши жaxon бозори талабиди нарх ва сифат уйғунлигини таъминлашга хизмат қилляпти. Бу замонавий тилда **агросаноат интеграцияси** дейилади.

Кластерда етиштирилган махсулотлар ҳосили йиғиб олинган, қайта ишлаш корхоналарига юборилади. Дастлаб “BMB — NRC Agrolistics” корхонасида қишлоқ хўжалиги махсулотлари бирламчи саралаш, калибровкаш ва қадоқлаш босқичидан ўтади. Корхонада йилгига 810 минг тонна қишлоқ хўжалиги махсулотини қайта ишлаш ҳамда 10 минг тонна махсулотни совиткичларда сақлаш имконияти яратилган. Агροлогистика мажмуасиди ягона дарча тизими ва энг замонавий

лаборатория маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун ўз махсулоти экспортга доир барча турдаги ҳужжатни қиска муддатда расмийлаштириш имконини беради.

Махсулотлар белгиланган тартибда сараланган, ҳолдинг тизимидаги қишлоқ хўжалиги махсулотларини бирламчи ва чуқур қайта ишлашга ихтисослашган, йиллик қуввати эса 85 минг тоннага тенг “BMB Agro Plus” корхонасида чуқур қайта ишланади.

— Корхоналарда махсулотларни чуқур қайта ишлашнинг 4 хил йўналиши мавжуд, — дейди ҳолдингнинг маркетинг, риск ва иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Азизбек Мадаминов. — Биринчиси, мева-сабзавотдан тайёрланадиган поре махсулотлари. Иккинчиси, қурилган тайёр махсулотлар. Мева-сабзавот қурилтилаг, қоқи ҳолатида қадоқланиб, экспорт қилинади. Она диёримизда етиштирилган мева-сабзавотларга хорижда қизиқиш катта. Аммо ҳар доим ҳам уларни даладан узилган вақтдагидек кўп миқдорда етказиш имкони бўлмайд. Қурилган махсулотларни эса сақлаш ҳам, етказиб бериш ҳам анча қулай. Учинчи йўналиш субмания усули бўлиб, мева-сабзавотлар махсус технология ёрдамида таъми, фойдали элементлари сақлаб қолинган ҳолда сувсизлантирилади. Уларни чипс ҳолида истеъмол қилиш мумкин. Бу усул кейинги йилларда оммалашаётган илғор технологияга асос-

ланган. Махсулот қай вақтда истеъмол қилинса ҳам ўша мева ёки сабзавотнинг янги узилгандагидек таъмини беради. Бундан кўнроқ саноат миқёсида мевали чой махсулотлари тайёрлашда ҳам фойдаланилади. Қайта ишлашнинг тўрттинчи йўналиши эса кўпчилик яхши биладиган шок ва акустик музлатиш усулидир. Бунда махсулот музлатиб қўйилади ва керакли пайтда уни ишлаш мумкин. Ундан кўнроқ ресторанларда, қандолатчиликда фойдаланилади. Хорижда ҳам бундай махсулотларга талаб юқори.

“BMB Imprex” корхонасида ташки бозорга қишлоқ хўжалиги махсулотлари экспорти,

ички бозор учун талабгир махсулотлар импортини амалга ошириш имконияти самарали йўлга қўйилган. Тайёр махсулот ишлаб чиқариш бир жараён бўлса, уни экспорт қилиш яна алоҳида масала. Хориж бозори талаблари кун сайн ортиб бораётган ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳар куни ўзгариб турган шароитда катта рақобат майдонидан ўрин эгаллаш осон эмас. Бу борада механизмлар аниқ ишлаши керак. “BMB HOLDING” экспорт масаласига катта эътибор қаратиши боиси шунда.

Тузилма таркибидидаги экспорт-импорт жараёнини амалга оширувчи 8 та корхона томонидан ўтган даврда 40 дан ортиқ давлатга харидоргир махсулотлар етказиб берилди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 48 миллион долларлик қишлоқ хўжалиги махсулоти экспорт қилинган иш кўлами нечоғлиқ эканидан далолат беради. Жорий йил якунига қадар ушбу кўрсаткични 75 миллион долларга етказиш кўзда тутилган.

Шунингдек, юқори сифати билан ажралиб турадиган заъфарон ва бошқа миллий махсулотлар юртимиз ҳамда хорижда ўтказилган нуфузли халқаро кўргазмаларда намойиш этилди. Германиянинг Берлин шаҳрида ўтказилган “Ишил ҳафталик — 2024”, “Ўзбекистон — Хитой: Шинжон махсулотлари”, “IRAN EXPO — 2024”, “World of Trade — 2024”, “ИННОПРОМ”, “Bridal Fashion Show — 2024”, Малайзиядаги “Made in Uzbekistan” каби халқаро кўргазмалар шулар жумласидан.

ТУРИЗМДА ЯНГИ БРЕНД

Кейинги йилларда “BMB HOLDING” ўз фаолиятини туризм йўналишида ҳам кенгайтириб бормоқда. Хусусан, “BMB Global Sayohat” корхонаси ҳамда Тошкент вилояти ва Жиззах шаҳрида “BMB Za’faron” брендида замонавий меҳмонхона ва рестороанлар тармоғи фаолияти йўлга қўйилгани сўзимиз исботидир. Тошкент вилоятининг Чиноз туманида сайёҳлар, йўловчи ва ҳайдовчилар учун энг замонавий қўлайликларга эга “BMB Village” мажмуаси ишга туширилди. Навоий ҳамда Сирдарё вилоятларида жойлашган Заъфарон соғломлаштириш мажмуалари эса халқимиз саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Ҳолдинг тизимидаги “BMB High-tech” корхонаси томонидан ўтган даврда ишлаб чиқариш мажмуалари, рестороан ва меҳмонхона тармоқлари, замонавий бизнес марказлари, кўп қаватли турар жой масканлари ҳамда ижтимоий соҳаларда қарийб 200 дан ортиқ объект барпо этилди.

Ўтган йилларда “Янги Ўзбекистон ишбилармонлари” бренди тимсоли сифатида танилган “BMB HOLDING” нафақат тижорат, балки жамиятимиз, инсонлар ҳаётини яхшилашга қаратилган қатор ижтимоий лойиҳаларни ҳам муваффақиятли амалга оширмоқда. Жумладан, Бахмал туманида ўтган йили фойдаланишга топширилган Заъфаронни қуриштиш ва қадоқлаш корхонасига туташ ҳудуддаги 2,5 километрга яқин йўлга тенг қоплама ётқизилиб, 25-30 километр узунликда электр тармоқлари тортиб келинди. Арнасой туманида эса 10 километр узунликдаги қишлоқ йўлларига шағал ётқизилиб, 1,5 километр йўл асфальтланди ҳамда маҳаллий аҳоли учун янада қўлайликлар яратиш мақсадида “Чўлқувар” улгуржи ва чакана савдо мажмуаси барпо этилди.

Шунингдек, ҳолдинг томонидан оғир касалликлар, жумладан, саратон, болалар церебрал фалажига чалинган ҳамда кўзи ожиз беморлар даволаниши учун мунтазам моддий ёрдам берилмоқда. Иқтидорли талабалар учун махсус стипендиялар жорий этилиб, турли ОТМларда ўқиётган юзлаб ёшлар қўллаб-қувватланыпти.

Ёшларнинг спортга қизиқишини оширишга қаратилган қатор ижтимоий лойиҳалар ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, ҳолдинг “Сўғдиёна”, “Локомотив” сингари профессионал футбол клубларига ҳомилик қилди. Айни пайтда Ўзбекистон профессионал футбол лигаси чемпионати, Ўзбекистон миллий автомобиль ва мотоцикл федерациясининг ҳам расмий ҳомииси. Ҳолдинг лойиҳаларидан бўлган “BMB PFC” профессионал футбол клуби эса бутунгача бир неча бор Ўзбекистон чемпионлиги, кубоги ва суперкубогини кўлга киритди.

Жорий йилда ҳам ҳолдинг ўз олдига қатор режа ва мақсадларни белгилаб олган. Улар қаторида Сирдарё вилоятининг Сардоба туманидаги юзлаб хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида янги тикув фабрикасини ташкил этиш, Жиззах вилоятининг Бахмал туманида заъфарон плантациялари майдонини кенгайтириш, Жиззах вилояти ҳудудидан ўтувчи М-39 магистрალი бўйида туристлар, йўловчи ва ҳайдовчилар учун энг замонавий қўлайликларга эга бўлган “BMB Village” мажмуасини ишга тушириш, Жиззах шаҳрида кенг тармоқли замонавий савдо комплекси ва бизнес марказини бунёд қилиш қабилир бор.

Мамлакат иқтисодиёти ва тадбиркорлик ривожига сезиларли ўрин эгаллаб келётган “BMB HOLDING” аҳоли бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринлари яратиш, фаровонликка ҳисса қўлишни бош мақсадларидан бирига айлантирган. Соҳада малакали кадрлар тайёрлашда ҳам ўзига хос мактаб яратиб, буни кенг миқёсда давом эттиряпти.

— Ҳолдинг фақат мендан иборат эмас. Ортимда минглаб ҳодимлар, мутахассислар, бир оилага айланган ҳолдинг жамоасининг меҳнати турибди, — дейди Б.Маматқулов. — Раҳбарлик лавозимларига кадрлар ўзимизда тайёрланади. Шу ерда бир неча йил ишлаб, тажриба ортиргандан кейин масъул лавозимларга қўйилади. Ёшларга кенг йўл беряпмиз. Ҳозир ҳолдинг тизимидаги бош директор ва ўринбосарларнинг аксарияти 30-35 ёшда. Барчаси шу ерда бир неча йил ишлаган. Бошқарув тизимидаги ҳодимларимизнинг кўпи хорижда малака оширган. Топ-менежерларни йилда икки марта Президент ҳузуридаги Давлат башқаруви академиясида ўқитамиз. Бошқа ҳодимлар ҳам тизимий равишда ўз устиди ишлайди. Чунки ҳозир билим ва малака бўлмаса, бирор натижага эришиш қийин. Шу боис, ҳолдингимизнинг бугунги муваффақияти кадрларимизнинг ўрни катта.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, “BMB HOLDING”нинг 8 йиллик шу қиска бир давр майдонида эришган ютуқлари замирида давлатимиз раҳбари томонидан яратиб берилган қулай ишбилармонлик муҳити, қундан кун либераллаштиб бораётган миллий қонунчилик тизими, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тадбиркорлар учун очкилиги ва ўзаро ҳамкорликка тайёрлиги, банк ва молия институтларининг бево-сита молиявий кўмаги ва кредит маблағлари ҳамда халқаро тоифадаги дўстларимизнинг ишончи ётади.

Қисқаси, очкилик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўзи учун бош мақсад қилган “BMB HOLDING” 8 йилдан бери халқимиз билан бирга келажақ сари ишончли ва дадил одимлаб келмоқда.

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

МАНГУ ҚИЛПИРОВЧИ ТУҒ

(Худойберган Девонов ҳаётига чизилар)



Бошланиши 1-бетда

Таассуфки, тарих саҳифаларида ўзининг қонли изини қолдирган бетайин уруш халқ меъморчилигининг мангу меваси — муҳташам обидалар шикастланиши, нураши ва алалоқибат умр каби жигинак ва тўзонли саҳрода ўтмишнинг улуг гулханларини ўчириб хузурланган, эътиқодсиз, шарафсиз кимсалар томонидан вайрон этилишига асосий сабабчи бўлди. XIX аср ўрталарида бошланган рус истилоси пайтида нафақат аҳолиси қаршилик кўрсатган худудлар, балки масжиди мадрасалар, шаҳар “паспорти”га айланган кўҳна бинолар ҳам тўпга тутилди. Чор ҳокимиятидан баттарроқ чиққан болшевиклар эса шу ноинсоний ҳаракатларни ўзига хос жирканчлик билан давом эттириб, диний-маърифий обидаларни бир четдан йўқ қилишга киришди. Худди шу мудҳиш келажакни олдиндан кўрандек, европалик ва россиялик маърифатпарвар фотографлар меъморий ёдгорликларни суратга олишда давом этди.

Ажнабий фотограflарнинг ўрта Осиёга, хусусан, Туркистонга тез-тез келиши шу ерда фото илосмандлари кўпайишига туртки берган, XIX аср охириларида Тошкентда Туркистон фотография ва нафис санъат ҳаваскорлари жамияти ташкил топди. 1899 йилда биринчи марта Тошкентда фотокўргазма очилди.

Ўзбек кино ва фото санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган Худойберган Девонов эса ушбу йўналишни илк тажрибадан ўтказиб, уни ривожлантириб, юртнинг салкам ярим асрлик даврини ўз исми билан бирга қўшиб муҳрлади.

Хўжайли тумани бошқарувчиси ва кузатувчиси Нурмухаммад Девонов оиласида 1879 йилда тутилган Худойберган болалигидан фақуллода зукколигини намоён қилган. Таълим асосларини уйда олади — отаси унга ўқиб ва ёзишни ўргатади. Ўглининг рус тилига қизиқиши пайдо бўлганини кўриб, уни рус-тузем мактабига жойлайди. Кейин ўгли касб-хунар ўрганиши ҳамда маҳоратли уста бўлиб этилиши учун соатсозга шогирдликка беради.

Худойберган Девонов шахси бўйича тарихий ҳужжатларга кўп бор мурожаат қилган таниқли адабиётшунос Наим Каримов у ҳақдаги мақолаларининг бирида Девонов ўзи ёзган таржимаи ҳолини келтиради: “1889 йилда мени соатсоз устага шогирд қилиб бердилар. Бир йил давомида бу ишни ўрганиш учун устозим бўлмиш Адам исмли бир рус устага 300 сўм тўладим. Уч йил бу иш билан шуғулландим. Шу л вақтларда фото ишларини ўрганишга менда катта ҳавас пайдо бўлди. 1903 йил бир миқдор пул анжом қилганим ҳолда Полвон ҳожи билан бирлик-ла Масковга кетдим”.

Худойберган Девонов буни ёзган кезларида ҳамаси Оқмаскида келиб ўрнашган илк устози Вильгельм Пеннердан фотографияни ўрганиганини айтиш хавфли бўлган. Шунинг учун ҳам у Адамнинг рус миллатига мансублигига ургу берган ҳолда Пеннер ноини умуман тилга олмаган. Ҳолбуки, унда фото санъатига қизиқиш уйғониши ва унинг илк ўзбек фотограfi бўлиб шаклланиши шу Вильгельм Пеннернинг номи билан бевосита боғлиқ.

Ха, айнан Хива хонлигига Волгабўйидан кўчиб келган немис меннонитлари унинг кинооператорлиги ва сураткашликка бўлган яширин истеводлини юзага чиқаришга туртки берган. Улар Хоразмга намунали кишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун Туркистон ҳарбий округи генерал-губернатори фон Кауфман томонидан тақлиф қилинганди, бироқ 1882 йилда Кауфманнинг тўсатдан вафот этиши меннонитларга таъвиш келтирди. Диний келишмовчилик сабаб туркман ёвмўтлари сиқштирмагач, улар Саид Муҳаммад Раҳимхон II га ёрдам сўраб мурожаат қилди. Хон баргиреклиги кўрсатиб, хорижликларни Хивадан 12 чақирим узоқликда бўлган, акиси Отажон тўра мулкидаги Оқмаскида кўчиб

ўтишга амр қилади. Куз кунларининг бирида Оқмаскид кишлоғи ёнидаги Улликўлга балиқ овига йўл олган Худойбергани Пеннернинг улкан алламбало нарс билан сирли ишлар қилаётгани эътиборини тортди...

Шундай қилиб, соатсозлик билан шуғулланган ва эҳтимол, ёшлик йилларини шу хунарга бағишламоқчи бўлган бўз йигитнинг Вильгельм Пеннер билан учрашуви унинг тақдирини яхши маънода ағдар-тўнтар қилиб юборди. Кишиллар ва табиат манзараларининг бир лаҳзадаги ҳолатини фотосуратда муҳрлаб қолдириш чиндан ҳам мўъжиза эди. Унинг бахтига Вильгельм Пеннер ҳам ўз хунарини беркитишга уринмайдиган, билганларини баҳам кўрадиган олижаноб инсон эди. Вильгельм Худойберганди фото санъатига меҳр уйғотиб, унга сурат олиш ва тасвирини қоронғи хонада фотодорилар ёрдамида юзага чиқаришнинг мураккаб жараёнини кунт билан ўргатади. Ҳатто унга “Зот” русумли фотоаппарат совға қилади. Худойберган кишлоқ болалари Панор бобо деб чақирадиган бу истарсиз иссиқ одамнинг самимий қўллови билан сурат олишга киришиб кетади.

Унинг қора қути атрофидаги телбанамо ҳаракатлари йигитга қизиқ туюлар, қармоғио балиқлар энди буткул ёдидан кўтарилган, онгу шуруни ушбу тилсим матоҳнинг нени кўрса, гўёки вақтини тўхтатиб, кўрганини ўз хотира бўёғига ботириб, тасвирини муҳрлайдиган шиша кўзи забот этган, унинг олдида куймаланаётган киши эса барча сирну синоатларнинг жонли гувоҳидек тасаввур уйғотарди. Шу сабабдан ундан нимадир сўрашга дастлаб йигитнинг журъати етмади.

Пеннер хонасинин бўлиб қолган эса-да, дилбар сукхатларга ҳали ҳам ташна, сумбабидан кўрсдек кўрингани билан қалбидарё одам эди. Чехрасида ҳали навқиронлик даври шамлари ўчмаган, гарчи синовчан кўзларидаги ёввойи оху каби хуррак, бегона мунг одамларини ўзига яқинлаштирмасда-да, феъли очиклиги, ку-

Панор бобо йигитга ер остидан бир қўр қаради-ю, унда бошқа томошабин юзларда сира кўрмаган шавқ, ғайрат ифодасини сезди, қалбининг кўпдан буюн нур кўрмаган зах унгуллари бирдан исиганини йигитнинг танти ва мағрур қиёфасидан билиш қийин эмасди. Бир пайтлар ўзи ҳам ҳис қилган ушбу туюмни эслаб жилмайди.

Пеннер хўжрасига кириб чиққан пайт зулматни тилимлаб дарчадан оқиб кираётган куннинг симобдай бир тутам ёғдусига узоқ тикилиб қолди, бола ҳам кетган шекилли деб ўйлади. Ташқарига чиқди. Йўқ. Йигит ҳамон торлари таранг тортилган ғижажак каби сас-сиз уни кузатар, шу алфозда бир неча соат, бир неча кун тура олишини исботламоқчидек қилт этмасди.

— Кечирасан, исминг нима эди?
— Худойберган.
— Хўш, Худойберган... Фотоаппаратга қизиксанми? Ўргатайми?..

Шундан сўнг ҳаммаси ўзгарди. Панор бобо саодатли дамлардан қолган узуқ-юлуқ хотираларини ҳар кеч онгининг саҳнасига тортиб чиқар ва кўримсиз қайиқда Худойберган билан болалигининг овлоқ ва хушвақт қирғоқларигача сузиб борар, сўнг ўсмирлик ва эътимод кўрфазлари бўйлаб яна ўзи турган кексалиқнинг омонат бандаргоҳига қайтишарди, унинг йигитдан кўнгли тўқ, боиси, ҳайрат ва шавқ сира сўнмаган бу нигоҳлар аллақачон унга юраги тўрига кўмиб қўйган энг гўзал хотираларини тақдим этганди...

ЯНГИ ҒОЯЛАРНИНГ СЕРҒАЙРАТ ТАРҒИБОТЧИСИ

Худойберган учун сураткашлик осон кечмаган. Қийин шароитда, мутаассиб диндорлар қаршилигига бардош бериб ишлашга тўғри келган. Ҳатто камерани шайтоннинг бир кўриниши деб ўйлаган мулларлар гуруҳи бир кун Нурмухаммад девонга агар ўғлини вақтида тиймаси, уйига фаришталар кирмай қўйишини айтиб ваҳима кўтаради. Зийрак ота эса менин уйимда ўнта хона бор, ўғлим шулардан бирида ишлайди, фаришталар кирмаса, ўша хонага кирмай қўя қолсин, деб жавоб беради.

Шу йилларида маърифатдан йироқ бошқа бир хон эмас, тахтни Муҳаммад Раҳимхон II эгаллаб тургани Худойберган фаолияти учун қутилган эркинлик тақдим этади. Бониси, 1898 йили Петербургда рус салтанатига келган янги император Николай II га тож кийдириш маросими бўлиб ўтганда мазкур тантанали

имконини берди. У нуфузли делегация аъзоси сифатида Россиянинг марказий шаҳарларига бориб, рус императори саройида бўлди, Москва ва Петербургнинг диққатга сазовор жойларини ўз кўзи билан кўрди. Хивалик меҳмонлар шарафига уюштирилган қабул маросими вақтида эса қутилмаган ҳодиса рўй берди. Бирдан тўрдаги деворга тутилган оқ матога орқа томондан тушган нур оқимида одамлар ва тулпорларнинг ҳаракатланётган суратлари намоён бўла бошлади. Меҳмонларнинг айримлари жазавога тушса, базилари ҳайратдан ёқа ушлади, Худойберган гувоҳи бўлган манзара шу билан унинг тинчини батамом ўғирлади. Сафар муддати тугаб, уйга қайтиш фурсати келганда Исломхўжага бу ерда бир муҳташам қолиб, ушбу ажойиб кашфиётни ўрганиш ва Хивага ҳам олиб бориш нияти борлигини маълум қилади. Исломхўжа ҳам бу янгликни маъқуллаб, рози бўлади. Худойберган 1908 йилда юртга қайтади. У ўзи билан Францияда ишлаб чиқилган “Пате” киноаппарати, телескоп, граммофон, фотоаппарат, суратлар тушириладиган қогозлар ҳамда кинотасмалар олиб келади. Қисқа вақт ичида эл орасида Петербургда бир аппарат олиб келинганиммиш, агар одамларни суратга олиб апаратыга қўйса, деворда юриб кетаверармиш деган миш-мишлар тарқалди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Хива ўрта Осиёнинг энг мафтункор шаҳарларидан бирига айланган эдики, барпо қилинган маҳобатли иншоотлар, қалъалар, шаҳар марказидаги Хўша масжиди, бундан ташқари, Шерғожиҳон, Қутлуг Мурод Иноқ, Оллоқулихон ва Муҳаммад Аминхон мадрасалари,

соддалик, камтарлик ва хотиржамликни эса кунлаб қутилган зарур дақиқалар ичида муҳрлашга эришган. Шунингдек, Хива дилрабола-ри суратларини олишда миллий либослар ва тақинчоқлар яққол кўриниши учун алоҳида ёндашган. Бошқа турли касб эгаларини тас-вирлашда сураткаш уларни нисбатан яқиндан суратга олиб, иш жараёнида акс эттиришга алоҳида эътибор қаратган.

1920 йили Хива хонлиги тугатилиб, Хоразм халқ совет республикаси тузилгач, Худойберган Девонов янги давлатнинг молия вазири этиб тайинланади. Касбига онд вазибаларни бажариш чоғида у жуда кўп марта Москвага сафар қилади. “Совкино” жамиятининг худудий муҳбирига айланади. Унинг кинолавлари-ри “Союзкиножурнал” серияларида намойиш этилади. “Ишчи аёллар”, “Шўркўл”, “Кўза”, “Чигир”, “Тузкон”, “Дегиси офати”, “Хоразм далаларида”, “Пахта қарвони” сингари ҳужжатли фильм ва сюжетларни суратга олади. Унинг меҳнати натижаси ўлароқ, дунё халқлари кўпмиллатли Хоразмнинг қадимий, ўзига хос маданияти билан танишади.

Худойберган Девоновнинг жияни Абдулла Юсупов тоғасининг ижодий меросини тўп-лаш ва ўрганиш жараёнида бундан бир неча йил илгари Краснороск шаҳридаги Марказий давлат кино-фото-фономаатериаллар архивида ишлаб, Хоразм ҳаётига онд, хусусан, Девоновнинг муаллифлиги тахмин қилинган кинолавларини кунт билан ўргатган. У мазкур архивда 1936 йилда суратга олинган “Москва — Қорақум — Москва” ҳужжат-ли фильмини кўрган. Бу фильмда Москвадан Қорақум орқали Хоразмга етиб келган



Паҳлавон Маҳмуд макбараси ва Тошхўвли саройидан ташкил топган бу ҳадисиз осмон остидаги баҳайбат музей-шаҳар ўша даврлардан бошлабқол сайёҳлар, фотограflар ва бошқа зиёли қатлам вакилларини ўзига ром этиб келди. Шу муҳташам меъморий ансамбллар асрдан бери маҳаллий аҳолидан фотограflар ва кинооператорлар етишиб чиқшини интиқ кутаётган, Худойберган Девонов эса ўз зиммасига тушган ушбу масъулиятни илк ижодий қадамларидан бошлаб бажаришга астойдил киришганди. Йигирманчи асрнинг 10-йилларида Хива атрофидаги қайноқ жомаренлар, халқ сайиллари, дорбозлар тошара-ли тараққипарвар аждодимиз ижодининг бош мавзусидан бири бўлди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, Худойберган Девонов ҳаётининг дастлабки йиллари Муҳаммад Раҳимхон II нинг хонлиқ даврида кечган. Ўша замоннинг тарихчиси ва таъки-ранависи Ҳасан Муродқори Муҳаммадамин ўғли Лафасийнинг “Хива шоирлари ва ада-биётчиларининг таржimai ҳоллари” таъки-расида баён қилинишича, маърифатпарвар хон саройида эллиқдан ортққ шоиру ёзувчи бўлган. Огаҳий, Чокар, Аваз Утар ўғли, Ко-михлон Девоний каби донддор шоирлар, Му-хаммад Юсуф Баёний сингари тарихчилар, олимлар, хаттотлар, Исломхўжадек адолат-пеша давлат арбоблари Худойберган Девонов қалбида мана шундай замондошлар суратла-рини ўтмиш ва келажак учун қолдириш ва буну муқаддас бўри деб билиши лозимлиги-ни сингдирган.

Унинг ижодий меросининг катта қисмини даврдошларининг суратлари ташкил этиши сабаби шундан. Эътиборли жиҳати, у шунча-ки суратга олмаган, балки ҳар бир шахс учун муҳим ракурс, керакли фон танабл, сўнг каме-рага муҳрлаган. Масалан, у хон ва унинг аён-лари суратини саройнинг серхашам нуқтала-ри фониди, аксар ҳолларда бутун буй-баста билан олган ва шу йўл ила улар суратига тан-танаворлик, улугворлик руҳини бағишлаган. Халқ ичидидаги оддий кишиллар қиёфасидаги

бир экспедиция тарихи тасвир этилган бў-либ, унда, Абдулла Юсуповнинг айтишича, Худойберган Девонов томонидан суратга олинган кадрлар ҳам бўлган. Бундан англа-шиладики, дастлаб оддий бир хаваскорнинг ишқибозлиги бўлган аппарат ўзгараётган дунёда янги гоғлар серғайрат тарғиботчаси-нинг катта иш қўролига айланган.

37-ЙИЛ...

Лаънати 37-йил. Уфунатта гарқ идрокени наҳс ва ваҳм ботқоғига чўктирган 37-йил... Афсуски, рангсиз афт-ангорида телбалик ва жазави тўниб қолган 37-йилнинг қиркин на-фаси қарийб ҳар бир хонадонга сизиб кирди. 30 июнь куни ярим кечада НКВД ҳодимлари Худойберган Девонов яшаган 18-уйга бости-риб келади. Беайб Девоновнинг ўзи ҳибста олиниб, уйидидаги тинтув жараёнида топилган 90 варақдан иборат ёзишмаси, 230 дона фо-тосурати ва бошқа нарсалари олиб кетилади.

1937 йил 1 декабрда тузилган қарорда айтилишича, Худойберган Девонов 1934 йилдан бошлаб аксинлиқлобчи ташкилот раҳбарлари Файзулла Хўжаев ва Давлат Ри-заевнинг топириғи асосида Англия развед-каси фойдасига жосулик ишларини фаол олиб борганлиқда ҳамда шу ташкилот то-пириғи билан Хоразмда босмачилик ҳарака-тини ташкил қилганлиқда ва инглиз жосу-си, босмачилик ташкилотчиси Жунаидхон билан шахсан алоқада бўлганлиқда айбланган эди. Бу қип-қизил бўҳтондан иборат қарорнинг совуқ мақсадини жуда яхши анлаган Худой-берган шонли умрининг шами қасддан ўчи-рилётганидан хўрснади, қонсиратган қотил-ларнинг йўлини эса ҳеч ким тўсоломайди.

Орадан 11 ой ўтгач, Тошкентда, 1938 йил 5 сентябрда 37-Йил қўрбонлари устидан суд бошланади. Бир одамнинг умрига нуқта қўйишни эрмак деб билган суд бор-йўғи 15-20 дақиқа давом этади, холос. Ўз олдида буржуа давлатини барпо этиш мақсадини

қўйган аксинлиқлобчи, миллатчилик, кўз-ғолончилик, террорчилик ва диверсия-зар-паркунадачилик ташкилоти билан алоқа ўрнатган ва шу ташкилот раҳбари Файзулла Хўжаевнинг топириғи билан Ўзбекистон бўйлаб туманма-туман кезиб, инглиз раз-ведкаси учун жосулик маълумотларини тўплаган деган ўта бемаъни айбларнинг бир-ортасини Худойберган тан олмайдди. Шунга қарамай, суд уни ўлимга маҳкум этади, унга тегишли бўлган жамики мол-мулк эса мусо-дара қилинишини айтади. Ҳукми ўша кунийёқ ярим кечада, Тошкентнинг Юнусобод тума-нидаги қатлгоҳда ижро этилади...

Кўраётганим алоқ-чалоқ тушмиди ёки та-саввуларимизнинг терскай тарафларида бир зум адашдимми — билолмай қолдим. Муҳи-ми, уларни кўрдим. Худойбергани, умуман, ойдинларимизни отган, сургун қилган, ўл-дирганларини. Улар уч киши эди — барваста, демократлардан тамаки ва мурданнинг иси ара-лашиб келар, қаҳқаҳа отанди қорамтир қақ-бақалари силкиниб кетарди. Теракзор оралаб олдинроққа ўтиб, ниҳоят уларнинг юзига яқиндан разм солдим — таваб, худди бир би-чимдан чиққандек кўзакча афлари бир-би-риникига чапаниб кетган, учаласи ҳам қош-сиз, огъсиз, балиқдай чақчайган кўзлари йўқолибди, атрофдаги барча қоранлардан воқиф бўлишга интилар, салки қовоқлари игна тикиб ҳавоси сўрилган қоптоқдай осили-либ қолган, бундай турқларга узоқроқ тикил-ган одамнинг ақлдан озиши ҳеч гап эмасди.

Уларнинг сап-сарик кўзларида умрлари каби нафрат ёниб турар, ҳеч нарсадан ажаб-ланмай қўйган қорачиқларида бирор ифода акс этмас, гўё одам туپқондан эмас, фақат ғазаб ва нафратдан бунёд бўлгандек, вужуд-ларидан алаамзадлик билан бирга жоҳиллик уфуриб турар, нигоҳларида одамийлик меҳ-роби шамлари ўчган, буларнинг ҳаммаси уларга нисбатан хайрихоҳ кайфият эмас, ак-синча, қўрқув ва ижирганиш ҳиссини уйғо-тарди. Заҳли юзларида эътиқод, садоқат, эз-гулик деган одам бир умр сингиса аризгулик туйғуларга қарама-қарши бузғунчилик, қабо-ҳат, жирканчлик зоҳир эди.

Улар шаҳар ўтмишига неки дахлдор бўлса, ҳаммасини ёқар, вайрон қилар, бузар, ўрнига бадбин натижаларининг моддий кўриниши — улкан қафасга ўхшаш рангсиз бинолар қура-ди. Кейинги икки-уч ойда шаҳар ҳавоси ҳам бузилди. Қуюқ тананинг ачмисик иси ўрин-диқларга, дарахтларга ўтириб қолган, қабрис-тон ва шилта ҳидига қўшилиб зўриқиб, ўқчи-тар даражада ҳолдан тойдирарди.

Ҳайратланарли тарафи, тирик жонни қу-турган итдек қувлаган ушбу шарпаларни алланечук таъбиқ туйғуси безовта қилар, худди биров уларни кузатиб тургандек, ўти-рган жойларидан сакраб туриб кетар ва тезда хиебонни тарк этиб, бир оз вақтдан сўнг яна йигилишарди.

Улар ўзларидан қочарди — афтидан, иб-лис нимгаллаб ташлаган пора-пора танасини, пангалган нондек умаланиб, уқаланиб ту-шаётган жасадини ташқаридан кўришга ўз-ларининг-да курум босган юраги дов бермас-ди. Бешафқат селлар ҳаёт қоясидаги улкан новвот бўлаклари — тошларни суриб кетса-да, тарих ёмғирлари ҳам ўчира олмаган ҳақи-қатга тик қарашдан ўлгудек қўрқшарди. Шу топда улар менга ниҳоятда майда, қиёфасиз кўринарди. Ҳа, қиёфасиз эди улар, суратга олиб бўлмас даражада қиёфасиз...


Қатагон миллатимиз ойдинлари бошига даҳшатли синовлар солган, беайбалигини била туриб, тарихнинг асов пўртаналарига мубо-рак жасадларини улоқтирган бўлса-да, улар-нинг улугвор руҳини, бутун муносоиб авлод-лар қонида қўшилиб оқаётган қадр-қиммати, синмас эътиқоди, бўйсунмас хурлигини йўқ қила олмади, бунга юрувчи мудраларнинг фаҳми ҳам, шайтоний қудрати ҳам етмади.

Худойберган Девонов шўрлар даврида йўқ қилиб юборилган миллионлаб жабр-дийдалар қарвонидаги қарбонлардан бири эди. Бугун унинг ўрнига ўнлаб, минглаб, миллионлаб ёшлар мен Худойберган Де-воновман деб отилиб чиқишдан тўхтамаса, ҳақ ва наҳот йўлини кўрсатишга мустаҳқик этилган, хиёнат ва жаҳолат зулмати гарқ қилган заминга тириклик ва яншап уруғла-рини қадаган аждодларимиз улугворий қол-ган эзгу ишларни улардан-да аъло даражада бажариш учун ўқтам ва серғайрат ёшлар беписандлик қобигида қолиб кетганларга ўрناк бўлса, уларни ўрганиш, ёд этиш, ҳулё офтоби каби мунаввар ижодини таҳлил қи-лиш йўли билан покланиб, баркамоллашиб босса, борсак, шу уларнинг мангу ҳилиров-чи туғ каби хотирасига ҳақиқий ҳурматини белгиси бўлади.

Азизбек ЮСУПОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Мулоҳаза

Бир донишманддан “Жамиятни тутиб турадиган асосий устун нима?” деб сўралганида, у уч нарсани санаган экан. Булар: иқтисодиёт, мудофаа, маънавият. Шунда ундан “Агар уч устундан фақат биттасини сақлаб қолиш зарурати туғилса, қайси бирини танлаш керак?” деб сўрабди. Донишманд бундай жавоб берибди: “Агар шундай бўлса, маънавият устуни сақлаб қолиниши лозим. Маънавият устуни мустаҳкам бўлса, ўз-ўзидан иқтисодиёт тикланади, ватанпарвар инсонлар ўз юртини мудофаа ҳам қила олади!”.



МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК “ҲАЛОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ДЕМАК

Ниҳоятда улуғ гаплар! Йўқ, баландпарвоз гап дейишга шошилманг. Шунчаки, оиладаги маънавий муҳитни олиб қаранг: жанжал-сурон ёки бузуқчилик ҳукмрон, ҳалоллик йўқ хонадонда барака бўладими? Ёки бу оила шаънини ҳимоя қилиш кимгадир қизиқми?

Энди худди шу маънавий муҳитга катта-роқ оила — жамият мисолида қараб кўринг: маънавий соғлом муҳитда файзу барака бўлади. Чунки ижтимоий-маънавий барқарорлик ватан ва шахс манфаатларини уйғулаштиради. Одамлар ҳалол даромад ҳақида сўзлайди, уни қадрлайди.

Асли коррупция ҳақидаги фикримни маънавият масаласи долзарблигини таъкидлашдан бошламоқчиман. Зеро, коррупциянинг илдизи маънавий қашшоқлик ва тубанликдан, юрт манфаатини ҳис қилмасликдан озикланади. Президентимиз таъбири билан айтганда, “ҳалоллик вакцинаси”нинг эмдориси ҳам маънавиятдир. Маънавият қадриятларга асосланади. Шу жиҳатдан кўпинча коррупциянинг ўзгаи оилавий қадриятлар илдизига туташ бўлади. Узоққа бормайлик: “Болам, сени ишга жойлаш учун таниш топишм керак” ёки “Фалончи ўзимиздан, қўлайди”, деган гаплари фарзандларимиз олдига сира ўйланмай айтади. Оқибатда улар учун таниш-билиш, қариндошчилик ёки маҳаллийчилик орқали ишнинг битириш одатий ҳолга, ҳатто қонуниятга айланади.

Коррупция шакллари қанчалик турли-туман бўлмасин, уларни умумлаштирувчи битта кўрсаткич бор: шахсий манфаатнинг ватан манфаатидан устун қўйилиши. Ҳатто қайсидир хизмат ваколати сунистеъмол қилинишининг арзимаган кўриниши ҳам жамиятга катта зарар келтириши, тараққиётга тўғоноқ бўлиши мумкин. Масалан, битта мактаб



Шахло АХРОРОВА, Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

директорининг яхши кадр қўлиб, моддий манфаат ёки таниш-билишчилик, маҳаллийчилик эвазига билими ҳамиқада қўқитувчи н ишга олиши қанчадан қанча ўқувчининг етарли билим олишига тўсиқ бўлади. Оқибатда меҳнат бозорида ўрнини топа олмаётган кадрлар кўпаяди. Айтинг-чи, бундай ўқитувчи, директорнинг топган маоши ҳалол бўлиши мумкинми?

Бугун янги авлодни тоза фикрли ва коррупцияга боғлиқ хатти-ҳаракатларни ҳазм қилмайдиган даражада ҳалол ўстриши масаласи давлат ва жамият тараққиётининг ўзақ

пойдеворларидан. Зеро, коррупциядан холи бўлмаган муҳитда ислохотлар ижобий натижа бермайди. Бундай жамиятга халқаро майдонда ҳам ишонч кам бўлади. Айни пайтда коррупцияга тўла барҳам бериш имконсиз экани, лекин уни кескин қамайтириш орқали тараққиётга эришиш мумкинлиги ривожланган мамлакатлар таърибидан маълум.

Демак, коррупцияга қарши куралиши азалий ва абадий мавзу. Давлат ва жамият тизимининг мустаҳкамлиги масаласи. Буюк жаҳонгир аждодларимиз Амир Темур ва Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг давлат мустаҳкамлигиди муваффақият сирини ана шу ҳалолликда эканини уларнинг ўзи эътироф этган. Хусусан, Бобур “Бобуринома” асарида бобоси Амир Темурнинг адолат тамойилларига амал қилган ҳолда ўзи маҳв этган юртларда аскарларнинг аҳоли мол-мулкни талон-тарож қилишига йўл қўймагани, бундай нопокликни қилган кимса оғир жазога тортилгани тўғрисида ёзган. Амир Темур ўз давлатида мансабдор шахслар сифатлари, бурч ва вазифаларини адолат тамойили остида қатъий белгилаб берган.

Мутахассислар коррупция юзага келиши ва илдиз отишининг бир қанча сабабини кўрсатади. Аҳолининг давлатни назорат қилишига оид тизим заифлиги, давлат секториди хизмат қилаётган ва муайян ваколатга

эга хизматчилар даромадининг хусусий секторда топиш мумкин бўлган маблағдан ёки ҳаётий эҳтиёжларини таъминлайдиган харажат меъёридан камлиги, иқтисодиётнинг бевосита давлат ҳукмронлигиди марказлаштирилиши ва тартибга солиниши, инфляция даражасининг ортиб бориши, давлат бошқаруви органлари ва аҳоли ўртасида узилиш юзага келгани қабилар объектив сабаблардир. Бу сабабларнинг илдизини қирққишда давлат бошқаруви ва ижтимоий сиёсати муҳим ўринга эга.

Юртимизда коррупциянинг олдини олиш йўналишида қатор қонунлар қабул қилиниб, ўзига хос тизим яратилди. Айниқса, жамоатчилик назоратини қучайтиришга замин яратилди. Коррупцион ҳолатлар жамоатчиликнинг фаол муҳокама объектига айланди. Давлат буюртма ва харидларини амалга оширишда соғлом рақобатга асосланган рақамлашган шаффоф танлов ва тендерлар тизими йўлга қўйилди. Натижада ўтган йили 14 триллион сўм тежалган. Ижтимоий соҳада электрон тизим йўлга қўйилгани, давлат хизматчилари иш ҳақининг меъёрий тартибланаётгани, ижтимоий ҳимоя тизими қучайтирилгани ва инсон манфаатлари йўлидаги бюрократик тўсиқларни қамайтириш борасиди ишларнинг жадал давом этаяётгани ижобий натижа бера бошлади. Бу каби тўсиқлар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Коррупция шакллари қанчалик турли-туман бўлмасин, уларни умумлаштирувчи битта кўрсаткич бор: шахсий манфаатнинг ватан манфаатидан устун қўйилиши. Ҳатто қайсидир хизмат ваколати сунистеъмол қилинишининг арзимаган кўриниши ҳам жамиятга катта зарар келтириши, тараққиётга тўғоноқ бўлиши мумкин.

Тошойна

Автобуста берилиб китоб ўқиб кетаётган эканман. Қўққисдан тепамда ўрта ёшлардаги икки эркак пайдо бўлди. Бирини кўлида қанақадир чироқ тутиб олганди. У: — Жамоат жойида нима қиласиз? Дарҳол биз билан юринг, — деб қўлтирибдан тутди. — Нима гап, тинчликми? — Борганда биласиз, гапни кўпайтирманг, — деди иккинчиси. — Қаёққа, нималар бўляпти ўзи? Тушунтириб беринг. — Нега телефондан фойдаланмапсиз, китоб ўқиганингиз нимаси? Қаранг, ҳамма телефон титаяпти, сиз эса... кап-катта одам уялмайсизми?

Атрофга боқсам, автобус салонидидаги йўловчининг ҳаммаси, кимдир ўтириб, кимдир тик туриб қўлидаги телефондан кўз узмай кетаяпти. Ҳар қанча қаршилик кўрсатмай, мени судраб, қандайдир баланд бинога олиб кириб кетишди. Лифтда 45- ёки 50-қаватга кўтарилдик, чамамда. Бир хонага киритиб, ўртадаги курсига ўтказишди. Бояги икковини қаршимда жойлашди. Чироқ кўтаргани яқинроқ келиб, кўзимга тикилди. — Охириги пайтда сиздақалар кўпайиб кетди. Нега телефон ишлатмайсиз, китоб ўқишга бало борми? Ахир бутун дунё телефонга мук тушганда нега сиз ҳаммадан ажралиб туришингиз керак?

Унинг гапларидан лол бўлиб, анграйиб туравердим. Аниқроғи, ҳеч нимани тушунмаётгандим. Иккинчиси давом этди:



ТЕЛЕФОНИ ЙЎҚ ОДАМ ёхуд рақамлаштиришдан йироқ ФЕЛЬЕТОН

— Бу одам — орамиздаги душман. У на мамлакат иқтисодиётини, на тиббиётини ўйлайди. Тинтув ўтказиб, қўлидаги китобига қўшиб, уйдагиларини ҳам мусодара қилиш керак. Узини телефон ва ноутбуклар омборида жазо ўташга жўнатиш лозим. — Ўлай агар, тушунтириб гапиринглар. Нима гуноҳ қилдим ўзин? Нима ёмонлигим тегди сизларга?

— Ўзингизни гўлликка солманг. Куппа-кундуз куни қўлда чироқ тутиб, кўча кезиш, ХХI асрда ҳам сизга ўхшаб замонавий уяли алоқа воситасидан фойдаланмайдиганларни

қидириб юриш бизга ҳам ҳавас эмас. Кулманг, бунинг нимаси кулгили? Қайси виждон билан телефон тутмайсиз?

Истеҳзоли кулиб ўтирганимни шунда биллиман. Булар ҳазиллаштиётими?

— Қанақа виждон? Телефон тутмаслигимга виждоннинг нима алоқаси бор?

— Жудаям бор-да. Сиз ва сизга ўхшаганлар телефон тутмайди. Демак, телефон сотиб олмайдилар. Натижада мамлакат иқтисодиётига тушум тушмайди. Мониторга тикилиб, кўз нуригизни тўкмайсиз. Миянгиз тўқималари зарарланмайди. Эшитиш органларингиз ҳам

меъёрида ишлайди. Узоқ муддатли суҳбатга киришмаганингиз учун қулоқ, қулоқ пардаси, ён тўқималар ва миянинг қўшни соҳаларида ҳарорат ошиши кузатилмайдилар.

Гапни шериги илтиф кетди:

— Ҳар хил бўлмағур хабарлар ўқиб, қон босимингиз ошмайди. Натижада орадан 15-20 йил ўтса ҳам касал бўлмай, соппа-соғ яшайверасиз. Яъни шифокорга бормасиз. Ҳолбуки, унинг ҳам бола-чақаси бор, беморлар тўлаган пул билан оиласини боқиш керак. Демак, сиз тиббиётнинг, умуман, жараённинг оқсашига хизмат қилмапсиз. Боз

устига, пенсияга чиқиб, узоқ умр кўрасиз. Давлат сизга шу вақт давомида нафақа тўлаш керак. Нима, газанинг туби йўқми?

Наригиси давом этди:

— Телефонингиз йўқ, демак, сиз юрган йўлингизда, кўча-кўйда қўшқ тингламайсиз, қисқа лавҳалар томоша қилмайсиз, турли ўйинлар ўйнамайсиз. Натижада гигабайту мегабайтлар ишлатмайсиз. Алоқа компаниялари эса бундан зарар кўраверади. Демак, сиз маданий савияси паст одамсиз, жамият ҳаётидан узилиб қолгансиз, рақамли технологиялар ривожига, тармоқнинг даромад топишига ҳисса қўшганигиз келмайди. Буларнинг ҳаммасидан ихтиёрий бўйин товлайсиз. Сезапсизми, сизга қўйилаётган айбловлар ўта жиддий!

— Бас қилинг, бошим оғриб кетди, — дедим нимандир сал тушунгандек бўлиб.

— Оғриди-да. Ахир миянгиз бўлмағур нарсалар билан чалғимаса, олди-қонди вайн ва роликлар дийдангизни қотирмаган бўлса, сизнинг бошингиз оғримай, бизники оғринсинми? Ҳойнаҳой, қариндошларингиздан ҳам тез-тез хабар олиб турсангиз керак-а? Хаста одамдан ҳол сўраш, яқинларни яхши кўнларда йўқлаб қўйиш қабиларини ҳам оф-лайн бажарасиз. Ваҳоланки, ҳозир давр шиддати бу ишни телефон орқали онлайн бажариш мумкинлигини энг қулай йўл сифатида намоён қилган. Телефонингиз бўлганида эди, битта смс ёзиб ёки овозли хабар юборардингиз. Бундан иқтисод қилган вақтингизни эса мазза қилиб ёлгон-яшиқ гаплару миш-мишлар, турли-туман ур-сур хабарларни қўришга сарфлаган бўлардингиз.

Иккинчиси салкам жазавага тушиб давом эттирди:

— Сиз чамаси кўп китоб ўқиб, олимлар узоқ вақт ўтказган тадқиқотлардан хабар топансиз. Мобил телефондан тараладиган электр магнит нурларини бутун танага таъсир қилиши, айниқса, баъзи сабабларга кўра, иммунитетни заиф одамлар ва болаларга зарарли эканини билиб қолгансиз. Яна дунёда ҳар 16 инсондан биттаси мобил алоқа нурларини қурбонига айланаётганини ҳам ўқигансиз. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти уяли телефонлар зарарига оид ҳисоботида инсонларнинг саратон касалига чалинишида мобил телефонлар таъсири кучли эканини таъкидлаган эди. Индамаса, бу хабарларни бошқаларга иштиёрий бўйин товлайсиз. Шунинг учун телефонингиз йўқ. Лекин билиб қўйинг: Биз бунга шундоқ қараб тура олмаймиз.

— Сизлар кимсизлар?

— Биз кундузи чироқ ёқиб бўлса ҳам сиз қабиларни аниқлайдиган маънавий таҳдид ширкати вакилларимиз. Мақсадимиз — сизга ўхшаганларни ўз сафимизга қўшиб олиш. Акс ҳолда, ҳозирроқ жазо ўташ учун рақамли технологиялар омборига равона бўласиз.

Икковим ўрнидан туриб, вазоҳат билан устимга бостириб кела бошлади...

Сесканиб, кўзимни очсам, қора терга ботибман... Ҳартугул, буларнинг ҳаммаси тушим бўлиб чиқди. Дарҳол қўлимни ёстимим остига қўйдим, телефонимни олиб, саотига қарасам, аллақачон УЙҒОНИШ ВАҚТИ бўлибди. Тонг отмоқда экан.

Нодир МАҲМУДОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири